

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛРАБО ХИДИРБОЕВНА**

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ “СУБҲАТ УЛ-АБРОР” ВА АЛИШЕР  
НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Назарова Дилрабо Хидирбоевна**

Абдурахмон Жомийнинг “Субҳат ул-аброр” ва Алишер Навоийнинг  
“Ҳайрат ул-аброр” дostonларининг қиёсий таҳлили ..... 3

**Назарова Дилрабо Хидирбоевна**

Сравнительный анализ дастанов «Субхат- ул-аброр» Абдурахмона Джами  
и «Хайрат ул-аброр» Алишера Навои..... 23

**Nazarova Dilrabo Khidirboevna**

Comparative analysis of poems “Subhat ul-abror” by Abdurahmon Jami and  
“Hayrat ul-abror” by Alisher Navoi ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛРАБО ХИДИРБОЕВНА**

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ “СУБҲАТ УЛ-АБРОР” ВА АЛИШЕР  
НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1340 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Нуров Нурали Норович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector) @samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Ж.Ҳамроев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Д.Б.Хурсанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ш.А.Ҳасанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослиги бугунги глобаллашув ва интеграциялашув даврида қадимдан ёнма-ён яшаган, урф-одатлари, анъаналари, тарихий-маънавий илдизлари муштарак бўлган миллатларнинг ахлоқий, ирфоний, диний, бадий-эстетик қарашларини ўзида акс эттирган ижодкорлар асарларини қиёсий аспектда тадқиқ этишни талаб этмоқда. Янгиланаётган даврга мувофиқ тарзда такомиллашиб бораётган янгича таҳлил усуллари асосида Шарқ халқларининг мумтоз адабиёти намояндаларининг ўзаро таъсири масаласини очиқ бериш адабиётшуносликнинг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё адабиётшунослиги илм-фанининг бугунги тараққиёт босқичида маълум бадий асар асосида анъана ва новаторлик масаласини ёритиш, форсий ва туркий адабиётнинг ўзаро таъсирланиш ҳамда давр қонуниятлари асосида ривожланиш жараёнини тадқиқ этиш, мавжуд бадий обидаларнинг таъсир ва яқин алоқадорлик масалаларига эътибор кучайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, шарқ халқларининг бадий тафаккури, дин, ахлоқ, фалсафа ва маданий ҳаётида катта таъсирга эга бўлган дидактик асарларнинг ўзбек ва форс-тожик адабиётида тугган ўрнини, жамият ахлоқининг юксалишидаги аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган туб ислохотлар бошқа соҳалар қатори адабиётшунослик йўналишида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, асрлар давомида дунёнинг илмий ва адабий жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этиб келаётган, адабиёт тарихида такрорланмас қўш саҳифани ташкил этган Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳамда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодини тадқиқ этиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бирига айланди. Зеро, “Улар ўлмас асарлари билан жаҳон халқлари ўртасида тинчлик, озодлик ва инсонпарварлик тамойилларини, дўстлик ва ўзаро ишонч ғояларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар”<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам “Субҳат ул-аброр” ҳамда “Ҳайрат ул-аброр” дostonларини компаративистик метод асосида атрофлича илмий тадқиқ этиш бугунги кун жомийшунослиги ва навоийшунослиги, умуман, адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shmmirziyoyevning-markaziy-va-janubiy-osiyo-mintaqaviy-o-zaro-bogliqlik-tahdidlar-va-imkoniyatlar-mavzusidagi-xalqaro-konferensiyadagi-nutqi>

самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** “Субҳат ул-аброр” ва “Ҳайрат ул-аброр” дostonлари Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоийнинг ижодий биографияларида муҳим саҳифалар ҳисоблангани боис ҳам ушбу дostonларга навоийшунослар, жомийшунослар томонидан бир неча бор мурожаат қилинган. Жумладан, С.Айний, Э.Бертельс, П.Шамсиев, А.Афсаҳзод, А.Мирзоев, Ш.Шомухаммедов, И.Султонов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Комилов, С.Ғаниева, Р.Воҳидов, И.Ҳаққулов, Э.Шодиев, Э.Очилов ва бошқа қатор олим ва тадқиқотчилар ишларида Жомий асарларининг Навоий ижодида тутган ўрни ёритилган, шунингдек, уларда устоз-шогирд ўртасида кечган муносабатлар таҳлил этилган<sup>1</sup>.

“Субҳат ул-аброр” дostonи ҳақида С.Айний, А.Афсаҳзод, Ғ.Алиев, М.Бахайрниё, С.Брагинский, Э.Бертельс, И.Кобидзе, Ҳ.Йилмаз, А.Мирзоев, М.Низомов, Т.Пурномдориён, А.Сатторзода, М.Солеҳов, Р.Ҳодизода, Ш.Хусейнзода, А.Ҳабибий каби Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон, Грузия, Россия олимлари асарларида айрим қайдлар, маълумотларга қарамасдан яхлит монографик тадқиқот амалга оширилган эмас.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonи ҳақида навоийшунос олимлар томонидан жиддий тадқиқотлар амалга оширилган. А.Ҳайитметов,

---

<sup>1</sup> Айний С. Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978; Бертельс Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965; Шамсиев П. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1966; Афсаҳзод А. Лирика Абдурахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Москва: Наука, 1988; Мирзоев А. Сездаҳ мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977; Шомухаммедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2010; Қаюмов А. Назм ва тафаккур куёши. – Тошкент: Фан, 1992; Яна ўша / Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009; Ғаниева С. Яна “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида / Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005; Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. – Тошкент: Фан, 1989; Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998; Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989; Очилов Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон / Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.

А.Абдуғафуров, А.Қаюмов, С.Ғаниева, Н.Комилов, И.Ҳаққул, А.Эркинов тадқиқотларида “Ҳамса”нинг илк достони ҳақида диққатга сазовор фикрлар мавжуд. Айниқса, профессор М.Муҳиддиновнинг диссертация ва монографияларида “Ҳайрат ул-аброр” достони Навоий салафларининг шу йўналишдаги достонлари билан қиёсий таҳлил этилиб, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос бадиий олами етарлича очиб берилган<sup>1</sup>. Аммо бу тадқиқотларда ҳам “Субҳат ул-аброр” ва “Ҳайрат ул-аброр” достонларининг ўхшаш ё фаркли жиҳатлари қиёсий тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзусидаги илмий ишлар доирасида ҳамда ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008 – 2011 йиллар) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Субҳат ул-аброр” ва “Ҳайрат ул-аброр” достонларини қиёсий таҳлил қилиш орқали мазкур асарларда талқин қилинган аброрлик маслагини очиб бериш, достонларнинг бадиий олами ҳамда муаллифларнинг поэтик маҳорати ва услубий ўзига хосликларини аниқлаб беришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Субҳат ул-аброр”асарининг Жомий ижодида тутган ўрни, яратилиш тарихи ва таъсирдорлик омилларини аниқлаш;

асарнинг адабий-бадиий хусусиятларини “Ҳайрат ул-аброр” достонига қиёслаб унинг моҳиятини очиб бериш;

достондаги тасаввуфий ғоялар талқини асосида Жомий ва Навоий асарлари концепциясини, комил инсон қарашларига хос етакчи хусусиятларини белгилаш;

“Субҳат ул-аброр”нинг бадиий-эстетик хусусиятлари, вазн, композициясининг ўзига хосликларини, “Ҳайрат ул-аброр”га ўхшаш жиҳатларини аниқлаш;

достоннинг тили, муаллифнинг воқеликни тасвирлаш ва фикрни ифодалаш маҳорати, анъанавийлик ва ўзига хосликларини ёритиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Муҳаммад Ҳусайн Тарбият томонидан нашрга тайёрланган “Субҳат ул-аброр” достонининг танқидий матни ҳамда Порсоҳон Шамсиев матни асосида нашрга тайёрланган Алишер Навоийнинг 10 жилдлик “Тўла асарлар тўплами”нинг 6-жилдида кирилл ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида чоп этилган “Ҳайрат ул-аброр”нинг нашри, улардаги изох ва шарҳлар тадқиқотга манба вазифасини ўтади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Субҳат ул-аброр”нинг яратилиш тарихи, “Ҳайрат ул-аброр” билан қиёсий, тасаввуф назариясини билишда ушбу икки асарнинг аҳамияти, бадиий-эстетик хусусиятлари, композицияси,

---

<sup>1</sup>Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 1999.

муаллифларнинг ифода, тасвир ва баён қилиш маҳорати, шунингдек, асарлардаги ўзаро таъсир ва алоқадорликни илмий ёритиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда, асосан, илмий тадқиқотнинг компаративистик усулидан, шунингдек, зарурат туғилган ҳолатларда индуктив метод имкониятларидан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Субҳат ул-аброр” достонининг вазн, шакл, мавзу каби жанр хусусиятлари, ирфоний-дидактик достонлардан фарқ қилувчи қирқ иккдан иборатлиги, рамали мусаддаси махбуни мақсурда ёзилганлиги, муножотлар мавжудлиги каби ўзига хосликлари ҳамда ирфоний адабиётлардаги аброрлар концепцияси очиб берилган;

“Субҳат ул-аброр” ва “Ҳайрат ул-аброр”нинг ҳикоятлари, муқаддималари, басмала бобидаги муштарак хусусиятлари, Навоий ва Жомий ижодий оламидаги ўзаро адабий таъсирланиш масаласи асосланган;

Жомий ва Навоий асарларининг номланишида *аброр* истилоҳи шунчаки қўлланилмагани, ушбу тоифадаги инсонларнинг дунёқараши яхлит тарзда, ҳар тарафлама гавдалантирилгани исботланган;

достоннинг композиция, ифода, тасвир ва услуб ранг-баранглиги каби бадий-эстетик хусусиятлари асосланиб, достон композициясидаги ҳикоятлар, муқаддима боблар, асосий боблар, хулоса бобларнинг аҳамияти далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

дидактик қарашлар талқинида Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий достонлари мисолида туркий ва форсий адабиётдаги алоқадорлик ўринлари белгиланган;

мумтоз поэтикада форсий ва туркий адабиётнинг ўзаро таъсирланиш ва муштарак қонуниятлар асосида ривожланиш жараёнининг ўрни тайин этилган;

ушбу мавзу тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалардан ўзбек ва форс-тожик адабиётшунослиги учун муҳим бўлган илмий-назарий маълумотларнинг берилишига, ижодкорлар услубига оид назарий ва амалий машғулотларнинг ташкил этилиши, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммалашувида хизмат қилиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий муаммонинг изчил, аниқ, муайян тарзда қўйилгани, адабиётшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар, илмий билишнинг, асосан, компаративистик методи ёрдамида ечилгани тадқиқот натижаларининг ишончлигини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва форс-тожик адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг жанр имкониятлари, мумтоз поэтикада анъана ва новаторлик, адабий алоқалардаги ўзаро баҳрамандлик, поэтик услуб ранг-баранглиги каби масалаларни ўрганиш жараёнида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан “Навоийшунослик”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Тоҷик мумтоз адабиёти” фанларини ҳамда ихтисослашган мактабларда махсус курсларни ўқитишда, олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалар, мажмуалар яратиш ва такомиллаштириш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абдурахмон Жомийнинг “Субҳат ул-аброр” ва Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonларини қиёсий тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Субҳат ул-аброр” дostonининг вазн, шакл, мавзу каби жанр хусусиятлари, ирфоний-дидактик дostonлардан фарқ қилувчи қирқ иккдан иборатлиги, рамали мусаддаси махбуни мақсурда ёзилганлиги, муножотлар мавжудлиги каби ўзига хосликлари ҳамда ирфоний адабиётлардаги аброрлар концепцияси ҳамда Жомийнинг дидактик-ахлоқий йўналишдаги ижоди, унда дoston типдаги асарларнинг ўрни, “Субҳат ул-аброр”нинг ғоявий-бадий хусусиятларига доир маълумотлардан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г005 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 17 январдаги 7.01/298-сон маълумотномаси). Натижалар Жомий ва Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик, пир-муридлик ва дўст-биродарликнинг юксак намунасини ёритишдаги аҳамиятини кўрсатиш муаммолари ечимини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

“Субҳат ул-аброр” ва “Ҳайрат ул-аброр”нинг аброрлар, муқаддималари, басмала бобининг борлиги каби муштарак хусусиятлари, Навоий ва Жомий ижодий оламидаги ўзаро адабий таъсирланиш масаласи ва “Субҳат ул-аброр” дostonи мазмун-моҳияти, поэтик ҳамда жанрий хусусиятлари, ундаги образ ва тимсоллар табиатининг ўзига хос хусусиятларини асослашда ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 17 январдаги 17.01/299-сон маълумотномаси). Илмий қарашлар асосида асарнинг жанрий хусусиятлари белгиланган, муаллифнинг тарихий шахс тимсолида комил инсонни тасвирлаш маҳоратини кўрсатиб беришга эришилган;

Жомий ва Навоий асарларининг номланишида аброр истилоҳи шунчаки қўлланилмагани, ушбу тоифадаги инсонларнинг дунёқараши яхлит тарзда, ҳар тарафлама гавдалантирилганлиги, дostonнинг композиция, ифода, тасвир ва услуб ранг-баранглиги каби бадий-эстетик хусусиятлари асосланиб, дoston композициясидаги ҳикоятлар, муқаддима боблар, асосий боблар, хулоса бобларнинг аҳамияти далилланган хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телеканалда эфирга узатилган “Одоб дурдоналари”, “Маҳалла тонги” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган

(Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телеканалининг 2021 йил 22 декабрдаги 01-18-908-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг буюк аждодларимиз илмий меросига ҳурмат, умуминсоний қадриятларга муҳаббат туйғуси ҳақидаги назарий фикр-мулоҳазалар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 4 та халқаро 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ҳамсанавислик анъанаси ва Жомийнинг новаторлиги”** деб номланиб, ушбу боб тўрт фаслдан иборат. Биринчи фасл *“XV асрда анъана ва новаторлик мезонлари”* деб аталади. Унда Ҳирот адабий муҳити мисолида анъана ва новаторлик масалалари ўрганиб чиқилган.

Форс-тожик адабиёти тарихи, адабий жанрлар, шеърый услуб назарияси каби масалаларга бағишланган тадқиқотларда темурийлар даври адабиётини тақлидчилик ва эпигонлик даври сифатида баҳолаш ҳамда шунга монанд қарашлар устуворлик қилади. Айниқса, ушбу даврнинг энг йирик сиймоси – Абдурахмон Жомий ижодига ноҳолис ёндошувлар, қарашлар китобдан-китобга, иқтибосдан-иқтибосга кўчиб юриши мантиқан асоссиздир. Эрон адабиётшунослари мазҳабий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шундай нотўғри хулосани тақдим қилганлар. Масалан, XX асрнинг бошида Маликушшуаро Баҳор ўзининг “Сабкшиносий” асарида номаълум манбага асосланиб, Жомийнинг асарларида давр нафаси сезилмаслиги, шоирнинг

ижтимоӣ позицияси аниқ кўрсатилмагани, асарлари асосан тақлидчиликдан иборат эканлигини баён этиб танқидий фикрлар билдиради<sup>1</sup>.

Маликушшуаро Баҳорнинг фикри ўрганилмасдан бошқа эронлик олимлар, жумладан, Зайнулобидин Муътаман, Доий Жавод, Алиасфар Ҳикматлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда деярли шу қарашлар яна такрорланади. Натижада европалик шарқшунослар ва ҳатто мамлакатимиздаги айрим олимлар томонидан бажарилган қатор тадқиқотларда темурийлар даври адабиётини тақлидчилик, анъанавийлик ҳамда новаторлик элементлардан холи, бўш, заиф адабий жараён сифатида талқин қилиш устуворлик касб эта бошлади. Ҳолбуки, тожик адабиётшуноси профессор Абдунаби Сатторзода тўғри қайд қилганидек: “XV асрдаги адабий қарашлар ва мезонларга кўра, номдор шоирларнинг асарларига жавоб айта билиш “камоли назм” ҳисобланарди... Жомийнинг фикрига кўра, ёзиладиган жавоб сармашқ бўлган асардан бадиий жиҳатдан юксакроқ, ҳеч бўлмаса, унга тенг бўлмоғи шарт... Бу талабларга Жомий ўз жавобларида тўлиқ риоя этишга ҳаракат қилган”<sup>2</sup>.

Темурийлар даври адабиёти, жумладан, бу даврнинг энг илғор намояндалари – Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодларига бундай ноҳолис муносабатда бўлишнинг асосий сабабларидан бири – татаббуъ, тавр, назира каби адабий ҳодисаларнинг моҳиятини тушунмасликдан келиб чиққан.

Диссертацияда татаббуъ, тавр, назира атамаларига Жомий ва Навоий ижоди мисолида мумтоз адабиётшунослик мезонларидан келиб чиқиб таъриф берилди. Анъанавийлик ва издошлик масаласи ҳар бир адабий турда турлича кечади. Лирик жанрларда услуб, тил, бадиий образ ва санъатлар анъанавийликни белгилашда асосий мезон бўлиб хизмат қиладиган бўлса, эпик жанрларда сюжет, композиция, архитектоника ва ҳоказоларда ўхшашлик ва издошлик ҳолатлари кўриб чиқилади. Шу сабабдан, анъана ва новаторлик масалаларни эпик жанрлар, айниқса, ҳамсачилик анъанаси доирасида яратилган асарлар мисолида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи фасл “*Темурийлар даврида хамсанавислик*” деб номланган бўлиб, унда ҳамсачилик анъанаси бугунги кунларгача давом этиб келаётган бўлса-да, темурийлар даврида ўзининг юқори чўққисига чиққанлиги асослаб берилди. Жумладан, Озарбайжон олими Ғазанфар Алиев жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва манбаларини ўрганиш жараёнида Низомий Ганжавий дostonларига жавобан яратилган 300 га яқин ижодкорни аниқлаб, улар ҳақида “Шарқ халқлари адабиётида Низомий анъаналари” номли монографиясида қисқача маълумот берди<sup>3</sup>.

Мазкур монографияни ўрганилганда шу нарса аниқландики, хамсанавислик тарихида XV аср Ҳирот адабий муҳити муҳим ўрин

<sup>1</sup> Маликушшуаро Б. Сабкшиносӣ ё тарихи татаввури насри форсӣ. – Техрон: Суруш, 1379. 3-жилд. – Б.293 (форс тилида).

<sup>2</sup> Сатторов А. Афкори адаби ва эстетикии Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Ирфон, 1975. – Б. 83-84.

<sup>3</sup> Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – Москва: Наука, 1982.

эгаллайди. Жомий ва Навоий дўстона бадий-эстетик алоқалари боис ушбу муҳитда 20 га яқин ижодкор хамсанависликда ўз кучларини синаб кўрганлар. “Навоийшунослик” дарслигида мазкур даврда яшаб ижод қилган шоирларни, хамсанависликка кўшган ҳиссасига қараб, шартли равишда уч гуруҳга ажратилган: тўлиқ “Хамса” муаллифлари; “Хамса”нинг баъзи дostonларига жавоб ёзган ижодкорлар; битта дostonга жавоб ёзган ижодкорлар<sup>1</sup>.

Темурийлар даврида тўлиқ “Хамса” яратганларнинг учтасида биринчи дoston аброрлар концепцияси асосида яратилганини алоҳида қайд қилиш лозим. Жамолий ҳам, Ашраф ва Навоий ҳам ўзларининг илк дostonларини, яъни аброрлар ҳақида ёзганларини шунчаки тасодиф деб бўлмайди. Жомий “Хамса”сида эса аброрлик масаласи биринчи дoston – “Тухфат ул-Аҳрор”да эмас, балки бизнинг тадқиқотимиз объекти бўлган “Субҳат ул-аброр” дostonида талқин қилинган.

Аброрлик маслағи ва унинг тарихи, генезиси ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида учинчи фасл “*Аброрлар маслағи: тарих ва таъриф*” деб номланди. Унда аброр сўзининг луғавий маъноси ҳамда истилоҳий тушунчалари ҳақида турли манбалар асосида маълумот берилди ҳамда қуйидаги хулосаларга келинди:

Тасаввуфий атама ўлароқ шаклланган “аброр” сўзи Қуръони каримда жаннат аҳлининг сифатларидан бири, валийсифат зотларнинг таърифи, басират кўзи очик, қалби имон нури билан мунаввар зотларга нисбатан турли шаклларда йигирма марта қўлланилган. Аброрлар валийлар тоифасининг бири бўлиб, бошқа валийсифат зотлардан асосий фарқи – фақат ўз нафсининг тарбияси билан машғул бўлмай, балки дунёнинг ободонлиги ва эл-юрт фаровонлиги учун ҳам саъй-ҳаракат қиладилар. Аброрлар динни деб дунёдан, дунёни деб диндан воз кечмаган, балки дунё ашёларини тақвони мустаҳкамлаш учун восита ўлароқ қўллай билган инсонлардир. Бу хулосалар Навоий ва Жомийларнинг аброрлик маслағига мос тушади, деган фаразимишни янада мустаҳкам қила олади.

Биринчи бобнинг тўртинчи фасли “*Жомий “Хамса”сининг гоъвий-бадий мундарижаси*” деб номланади. Адабиётшуносликда Жомийнинг “Хамса” ёзган-ёзмаганлиги билан боғлиқ баҳсли фикрлар мавжуд. Айрим адабиётшунослар Жомий дostonларига “Хамса” тарзида эмас, балки етилик – “Ҳафт авранг” (“Саломон ва Абсол” ҳамда “Силсилат уз-заҳаб” дostonларини ҳам кўшган ҳолда) шаклида қараш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар. Назаримизда, Жомий “Хирадномаи Искандарий” дostonи хотимасида ўз асарини “Панж ганж” деб атаганлиги боис ҳам Жомийни хамсанавис ижодкорлар қаторига киритиш тўғрироқ бўлади.

Абдурахмон Жомий ўз “Хамса”сини қуйидаги таркибда тузган: 1) “Тухфат ул-Аҳрор” (1481-йилда яратилган); 2) “Субҳат ул- аброр” (1482-1483 йил); 3) “Юсуф ва Зулайхо” (1483-йил); 4) “Лайли ва Мажнун” (1483-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик. – Тошкент: Тамаддун, 2018. – Б. 54-101.

йил); 5)“Хирадномаи Искандарий”(1484-йил). Булардан “Субҳат ул-аброр” ҳамда “Юсуф ва Зулайхо” дostonлари алоҳида характерга эга бўлиб, улар анъанавий мавзулар – Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Етти гўзал” дostonларига жавобан ёзилган. “Субҳат ул-аброр”нинг ёзилиши “Ҳайрат ул-аброр” билан деярли бир вақтда ёзилгани аҳамиятли. Биринчидан, Жомий сюжетли дostonнинг ўрнига дидактик-фалсафий мавзуда яна бир маснавий яратган. Иккинчидан, “Ҳайрат ул-аброр” билан нафақат номланишида, балки концептуал асос эътибори билан ҳам яқинлиги икки мутафаккир шоирнинг мазкур мавзуга бир хил ёндашувини намоён этади. Шу сабабдан, диссертациянинг кейинги бобида мазкур дostonларнинг мазмун-мундарижаси қиёсий ўрганиб чиқилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Муқаддима бобларнинг қиёсий таҳлили”** деб номланиб, у учта фаслдан иборат. Иккинчи бобнинг биринчи фасли *“Басмала бобларининг чоғиштирмаси”* деб аталади, унда Жомий ва Навоийнинг дostonларидаги басмала боблар компаративистик таҳлил доирасига тортилди.

“Хамса”нинг биринчи дostonларининг илк мисраси бисмиллоҳ ояти билан бошланган бўлса, “Субҳат ул-аброр” муаллифи бу анъанани ривожлантириб, бисмиллоҳ ояти асосида арабча байт яратади:

*Ибтадай бисмиллоҳир-раҳмон  
Ар-раҳиймул-мутаволлил-эҳсон<sup>1</sup>.*

(Мазмуни: *Меҳрибон ва раҳмдил, кўп яхшиликлар соҳиби – Аллоҳ номи билан бошлайман*).

Жомийнинг бундай иқдомга қўл урганига икки сабаб бор: биринчидан, Мирзо Бобур алоҳида таъкидлаганидек, дostonнавислик тарихида олдин умуман қўлланилмаган янги вазн асосида дoston яратишда “бисмиллоҳ” оятини икки қисмга бўлиб, вазн талабига мослаштириш; иккинчидан, анъана замиридан янгилик яратиш, яъни дostonни арабча байт билан бошлаш назарда тутилади.

“Басмала” оятини ҳарфма-ҳарф шоирона талқинини бериш тажрибаси “Тухфат ул-Аҳрор”да ҳам мавжуд. Аммо унда Жомий оятдаги ҳаракат ва белгилар ҳақида тўхталмай, ҳарфларнинг ўзи билан кифояланилади. “Субҳат ул-аброр”да эса Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги услубий ўзига хосликларни ижодий ўзлаштирган ҳолда, ҳаракат ва белгиларга ҳам таъриф бериб ўтади.

Бобнинг хотима қисмида Жомий шогирдининг яна бир новаторона тажрибасига эътибор қаратади. Гап шундаки, Навоийгача ёзилган “Хамса”ларнинг дастлабки бобларида шоир таҳаллуси қўлланилмаганди. Навоий лирик жанрлар, айниқса, ғазалчиликда анъана тусига кирган таҳаллус байтини дostonда ҳам қўллайди<sup>2</sup>. Жомий ҳам айна шу ижодий тажрибани

<sup>1</sup> Джами А. Субҳат ул-аброр. Критический текст. Под ред. и введением Ахмад Хусейн Тарбият. – Москва: Наука, 1984. С.136

<sup>2</sup> Навоий А.Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги НМИУ,2013. 9-бет

қўллаган ҳолда бобнинг сўнгида таҳаллус байтини келтиради. Бундай тажрибани дostonчиликда қўллашнинг амалий аҳамияти ҳам бор эди: XV асрда жуда кўп дostonлар, маснавийлар ва илмий асарлар муаллифи номаълумлиги сабабли бошқа одамларга нисбат бериларди. Темурийлар даврида асл матнни тиклаш бўйича илмий мактаб шаклланган бўлиб, Жомий ҳам Навоийнинг илтимоси билан бир қатор асарларни тасхех ва муқобала усули билан аслиятга яқин матнни тиклаган. Ана шундай ишлар жараёнида таҳаллуснинг нақадар муҳимлигини англаган ҳолда Жомий ўз шогирдининг анъана ичида янгилик жорий қилиш тажрибасини қўллаган, деган хулосага келиш мумкин.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Ҳамд, муножот ва наът бобларининг қиёсий таҳлили*” деб номланади. Жомий ҳамд мавзусидаги боблари сарлавҳасини сажъ унсурлари билан зийнатлаган ҳолда иштиқоқ санъати элементларидан ҳам маҳорат билан фойдаланган. Насрий парчаларга алоҳида ёндошиб, унинг оҳангдорлигига эътибор бериш хамсачилик тарихида Навоийгача мавжуд эмасди. Жомий “Тухфат ул-Аҳрор”да ҳар бир бобга алоҳида сарлавҳа қўяди. Аммо унинг сарлавҳаларида сўзни лафзий ва маънавий санъатлар билан безатиш ҳолатлари кўзга ташланмайди. “Субҳат ул-аброр” дostonида эса ҳар бир бобнинг сарлавҳасини турли бадий санъатлар ёрдамида зийнатлайди, мураккаб баён услубини намойиш этади. Бу орқали назм ва наср санъаткорлик бобида бир-бирини тўлдирадиган шаклга келади. Бу ҳолатда ҳам Жомийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonидан илҳомланганлигини эътироф этиш мумкин.

Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”ида битта наът, тўртта муножот бор. Ушбу ҳамд ва муножотларнинг бешта бўлиши – “Хамса”нинг барча дostonларига тааллуқли эканини профессор М.Муҳиддинов қайд қилиб ўтган. Навоий ва Жомий асарларида тасвир воситалари, ўхшатиш ва тимсоллар ранг-баранг касб этади. Қолаверса, бадий сўзнинг моҳияти ҳам бир-бирига ўхшамайдиган, бетакрор поэтик ёндошишни талаб қилади. Аммо Жомий ва Навоийнинг дунёқараши, фалсафий-ирфоний тафаккур тарзи бир хил бўлгани сабабли, уларнинг асарларига уйғунлик ва ўхшашлик, руҳий-маънавий яқинлик кўзга ташланади. Масалан, Навоий дostonидаги иккинчи муножотда Аллоҳ таолонинг қаҳҳорлик сифатининг васфида фалакдаги сайёралар ва тўққиз осмоннинг ҳолати шоирона тасвир қилинади<sup>1</sup>. Жомийнинг муножотида ҳам самовий тимсоллар илоҳий қудратнинг белгиси сифатида тилга олинади. Фарқ шундаки, Навоийда Аллоҳнинг қаҳҳорлик сифати намоён бўлиши шартли жумла орқали ифодаланган бўлса, Жомийда илтижо оҳангидаги калом орқали баён этилган. Навоийнинг тасвирларида оят ва ҳадислардан иқтибос келтириш ҳолатлари кузатилса, Жомий оят ва ҳадисларнинг мазмунини байтлар замирига сингдириш йўлидан боради.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Навоий А. Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Ф.Фулум номидаги НМИУ, 2013.17-бет.

<sup>2</sup> Джами А. Субхатул-аброр. Критический текст. Под ред. и введением Ахмад Хусейн Тарбият. – Москва: Наука, 1984. С.142.

Ҳамд ва муножот бобларидан сўнг анъанага мувофиқ наът мавзусига ўтилади. “Ҳайрат ул-аброр” достонида юқорида кўриб чиққанамиз бешта ҳамд ва муножотдан сўнг наът мавзусига оид бешта боб келтирилади.

“Субҳат ул-аброр”даги наътнинг шу мавзудаги бошқа наътномалардан фарқи шундаки, унда ижтимоий руҳ устуворлик қилади. Шу сабабли, муножотларида ҳам, наътларида ҳам халқнинг орзу ва армонларини, қувонч ва қайғусини гўзал шоирона услубда ифодалаб, шу тарзда ўзининг диний, дунёвий маслагини ҳам баён этган.

“Бағишлов боби ҳамда таълиф сабабларининг таҳлили” деб номланган фаслда Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган боб таҳлил қилинган. Жомийнинг бошқа замон шоирлар мадҳияларидан фарқли жиҳати у давр подшоҳлари сифатларини қаламга олганида ўзининг асосий миссиясини ҳам эсдан чиқармайди; подшоҳга насиҳат қилиб, ўткинчи дунё кетидан қувмасдан, дунёни яхши ном қолдириш истагига бўйсундириш барча аъмоли хайрнинг асоси бўлиши лозимлигини уқтиради.

Хуллас, басмала боби мустақил боб сифатида “Тухфат ул-Аҳрор” достонида шаклланган бўлиб, Жомий ушбу достонидаги биринчи бобида басмала оятининг ирфоний талқинини келтирган. Навоий эса “Ҳайрат ул-аброр”да устозининг анъанасини ривожлантирган ҳолда, мазкур оятнинг икки талқини – “аҳли қабул” ва “аҳли рад”ни қандай оқибатлар кутаётгани ҳақида сўз юритади. Жомий Навоийнинг янги бадий топилмалари (оятдаги ҳаракатларга ҳам таъриф бериш, арабча мисралар келтириш)ни ҳам ижодий ўзлаштириб, “Субҳат ул-аброр”да татбиқ этган.

Боб сарлавҳаларини қофияли сўзлардан тузиш, наът ва муножотларда муайян изчилликка риоя этиш каби ҳолатлар ҳам ҳар иккала дostonнинг композицион муштараклигидан гувоҳлик беради.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Субҳат ул-аброр достонидаги тушунча ва тамойилларнинг қиёсий таҳлили”** деб номланади. Мазкур боб тўрт фаслдан иборат. Биринчи фасл *“Достондаги иқдларнинг таснифи ва талқини”* деб аталади.

“Субҳат ул-аброр” достони муаллиф иқд деб атаган қирқта асосий бобдан иборат. Бобларнинг мазмун-моҳияти ва мундарижасига қараб уларни уч гуруҳда тасниф этиш мумкин: биринчи гуруҳдаги иқдларда (1-6 боблар) кўнгил ҳақиқатининг таърифи, сўз, шеър ва шоирлик бобида, тавҳид илмининг нозик қирралари, шариат ва тариқатнинг ўзаро муносабати, олам ва одам ҳақидаги тафаккур тарзи, Борлиқ ва Худо муносабати каби масалалар ёритилади. Еттинчи бобдан 34-бобга қадар тасаввуф илмининг ҳақиқати ва унга дахлдор назарий масалаларга шарҳ берилган бўлиб, бунда мутафаккир шоирнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари бадий йўсинда ўз ифодасини топган. Мазкур қисмни ўз навбатида икки гуруҳга – соф тасаввуфга хос бўлган тушунчалар ҳамда тасаввуф аҳлининг ахлоқига оид тушунчалар шарҳига бағишланган бобларга ажратиш мумкин. Хулосавий бобларда (35–40-боблар) шоирнинг ижтимоий масалаларга бағишланган қарашлари – давлатчилик асослари, одил подшоҳ ва садоқатли давлат аъёнлари, фарзанд тарбияси каби масалалар баён этилган.

“Хамса”нинг илк дostonларида ҳам кўнгил таърифига алоҳида боб ажратилган бўлиб, мазкур бобларнинг қиёсий таҳлили профессор М.Муҳиддинов томонидан муваффақиятли амалга оширилган<sup>1</sup>. Шу сабабли, биз ушбу бобнинг таҳлилида кўнгил тимсолининг фақат “Субхат ул-аброр”гагина хос бўлган жиҳатларига эътибор қаратишни маъқул деб ҳисобладик.

Жомий таърифига кўра, кўкракнинг чап томонида жойлашган инсон аъзоси – бу ҳали кўнгил эмас, балки бу – кўнгил қушининг қафасидир. Кўнгил – юракнинг ичида жойлашган, руҳоний латиф бир нарса бўлиб, юрак – унинг пардаси ҳисобланади. Жомий васф этган кўнгил кичик олам эмас, балки маъно юзасидан олами кубро – катта олам (макрокосм) ҳисобланади. Ҳамма тирик жонни ҳам кўнгил соҳиби деб бўлмайдди. Бадан жон билан, жон эса кўнгил билан тирик. Кўнгил тириклиги маҳрамлик туфайли содир бўлади, қолаверса, бу хислат фақат одам боласига хосдир, дейди Жомий:

*Тан ба чон зиндаву чон зинда ба дил,  
Нест ҳар жонвар арзанда ба дил.  
Зинда будан ба дил аз маҳрамӣ аст,  
Ин ҳунар хосияти одамӣ аст<sup>2</sup>.*

(Мазмуни: *Жисм – жон билан, жон эса кўнгил билан тирик. Ҳамма жонли мавжудот ҳам кўнгилга арзитилмаган. Кўнгил билан тирик бўлмоқ маҳрам бўлиши туфайлидир. Бу ҳунар инсонга хос эрур.*)

“Ҳайрат ул-аброр”да ҳам кўнгил ва юракнинг ўртасида фарқ қўйилади:

*Буки кўнгул дерсен, эрур бу юрак,  
Исм кўнгул бирла анга муштарак.  
Солик ани Арши муалло деди,  
Сўфи ани олами кубро деди<sup>3</sup>.*

Сўз таърифидаги иккинчи иқдда Жомий шоирлик баробарида ўзининг фалсафа ва ҳикмат борасидаги тафаккур қудратини ҳам намоён этади. Унинг талқинида сўз фақат адабий маконнинг асосий қуроли эмас, балки маъно денгизининг гавҳари, олам яралишининг асоси, Борлиқнинг энг олий дурдонаси ҳисобланади. Учинчи иқдда эса шеър, яъни манзум каломнинг бошқа сўз турларидан устун эканлиги ҳақида сўз юритилади. Жомийнинг ақидасига кўра, агар назмий калом инсон кўнглига яқин бўлмаганида Қуръони каримда вазн қоидаларига тўқис тушадиган оятлар бўлмасди:

*Басмала тоқи сари Қуръон аст,  
З-он ки санҷида ба ин мизон аст.  
Вазн агар муҷиби нуқсон будӣ,  
Ҳарфи мавзун на зи Қуръон будӣ<sup>1</sup>.*

<sup>1</sup>Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 1999.

<sup>2</sup>Джами А. Субхатул-аброр. Критический текст. Под ред. и введением Ахмад Хусейн Тарбият. – Москва: Наука, 1984. С. 155

<sup>3</sup>Навоий А. Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2013.62-бет.

(Мазмуни: *Басмала ояти Қуръони карим оятларининг тождидир, чунки у вазн меъёрларига жавоб беради. Агар вазнли сўз айтиши нуқсон бўлганида эди, Қуръон оятларида вазн унсурлари бўлмасди*).

“Ҳайрат ул-аброр”даги қуйидаги байт “Субҳат ул-аброр”дан келтирган мисол билан яқин маънони ифода этиши икки мутафаккирнинг сўз хусусидаги қарашлари ягона маслакка мос тушишидан гувоҳлик беради:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри каломида назм<sup>2</sup>.*

Бешинчи иқдда шоир диншунос сифатида мулоҳаза юритган бўлса, олтинчи иқдда уни биз мутафаккир ҳаким, фалсафа билимдони сифатида кўрамиз. Ибн Арабийнинг ваҳдат ул-вужуд таълимотининг шарҳловчиси бўлган Жомий олтинчи иқдда Борлиқ ҳақиқати ўз моҳиятига кўра Ҳақ таоло экани, барча яратикларнинг мавжудлиги ҳам Унга боғлиқ экани, вужуд, яъни Борлиқнинг моҳияти якка ва ягона Худонинг ўзи экани ҳақида образли тилда фикр юритади. Умуман олганда, “Субҳат ул-аброр” достони Жомийнинг онтологик ва гносеологик қарашларини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланиб, алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “*Субҳат ул-аброр*”да *тасаввуф истилоҳлари талқини*” деб номланган. Еттинчи иқдда шоир тасаввуфнинг моҳияти ҳақида баҳс юритиб бўлганидан сўнг муридлик масаласига тўхталиб ўтади.

Тавба, вараъ (такводорлик), зухд, фақр, сабр, хавф, рижа, таваккул, ризо, муҳаббат, шавқ, қурб каби тасаввуф тариқатига хос бўлган ҳол ва мақомларга шарҳ бераркан, Жомий Навоийнинг услуб ва баён воситаларидан таъсирланган ҳолда ўз фикрларини ифода этади. У ўз фикрини баён этиш учун Навоий каби тасаввуф шайхларининг сўзларига бот-бот мурожаат қилади.

Тасаввуф шайхларининг ушбу фикрлари Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”да келтирилгани, шунингдек, “Субҳат ул-аброр”да назмий йўсинда ўз ифодасини топгани бир томондан “Субҳат ул-аброр”даги фикр ва ғояларнинг манбалари нақадар ранг-баранглигини кўрсатса, иккинчи томондан, Жомийни таҳлил қилиш учун унинг мутолаа қилган асарларидан ҳам хабардор бўлиш заруратини ҳам кўрсатади.

“*Аброрлардаги гўзал хулқларнинг ирфоний талқини*” деб номланган фаслда Жомий ва Навоийнинг ахлоқий қарашлари қиёсан таҳлил этилган. Жумладан, ҳаё васфидаги бобда Жомийнинг наргис гули ҳақидаги ўхшатмалари алоҳида диққатни талаб қилади. Унинг талқинига кўра, наргис шаклан кўзга ўхшаса ҳамки, одобсиз мастона кўзга ўхшашлиги учун унда нур йўк:

<sup>1</sup>Джами А. Субхатул-аброр. Критический текст. Под ред. и введением Ахмад Хусейн Тарбият. – Москва: Наука, 1984. С.163.

<sup>2</sup>Навоий А.Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2013.51-бет.

*Хирачаим аст ба бўстон наргис,  
Ки диҳад чом ба мастон наргис.  
3-он сабаб дидааш аз нур тикҳӣ,  
Монда бе хосияти нурдиҳӣ<sup>1</sup>.*

(Мазмуни: бўстонда наргис кўзи хирадир, мастларга уятсизларча жом тутиб туради. Шу сабаб кўзида нур ҳам йўқ, нур бериш хосияти ҳаёсизлиги туфайли йўқолган).

“Ҳайрат ул-аброр”нинг олтинчи мақолати ҳаё ва адаб бобида бўлиб, мазкур бобнинг сўнгида Навоий Анушервон Одил ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Унга кўра, Анушервон бир канизакка кўнгил кўяди. Канизак ҳам бу муҳаббатга бефарқ эмас. Бир куни боғда кўришганларида Анушервон канизак томон қўл узатади, аммо уларга қараб турган бир наргис гулини кўриб ҳаё қилади ва номақбул истагидан воз кечади. Жомий мазкур ҳикоятдаги наргис образидан ижодий фойдаланиб, ҳаё тушунчасини тушунтириш учун наргис ва бошқа гулларнинг тимсолларини келтирган. Ҳикоя сюжетидан образни ажратиб тасвирлаш адабий таъсирланишнинг яна бир кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин.

Табассум билан суҳбатдошига боқмоқ асносида ҳаддидан ошмасдан, нигоҳ ташлаш меъёрида бўлиши яхши дея таълим беради Жомий. Ҳазил-хузулга бутунлай эрк бериш одамни чалғитади, тўғри йўлдан адаштиради:

*Лек ҳазле ки на аз дуди дурўғ,  
